

## Ҳадис 198-дарс. Турли ҳайвонлар ичиб турадиган сув пок ёки нопоклиги ҳақида



19:00 / 02.09.2022 4699

عَامِلَانِ مَلَسَوْهُ لَعَلَّ يَصِيَّبُ لِيَسْتَأْذِنَ لِيَضْرَبَ رَمْعًا نَبِيًّا  
عَلَى لِيَصِدَّ لَعَلَّ لِيُسْرَرَ لِقَافٍ عَابَسَ لِيَاوِيَّ بَأَوْدَلَانِ مَهُبُونِي آمَوَةَ الْفَالِي فِي نُكَي  
يَنْسَلُ بَأَخْصَاءُ هَاوَرَ تَبَخُّ لِيَلْمَحِي مَلْدُنِي تَلْقُ عَامِلَانِ نَاكَ إِذَا مَلَسَوْهُ لَعَلَّ

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан очиқ жойдаги, турли ҳайвонлар, йиртқичлар келиб-кетиб (ичиб турадиган) сув ҳақида сўралди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Вақтики, сув икки қуллага етса, нажас бўлмайди», дедилар».**

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Саҳобаи киромлар ўз одатлари бўйича иштибоҳли бир масала хусусида, яъни очик жойда қоладиган, турли ҳайвонлар ва йиртқичлар тегиб кетиши мумкин бўлган сувнинг пок ёки нопоклиги ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрамоқдалар.

Унга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Вақтики, сув икки қуллага етса, нажас бўлмайди»**, деб жавоб бердилар. Бу саволнинг айнан ўзига берилган эмас, балки умумий қоида бўладиган жавоб, яъни нима бўлишидан қатъи назар, сув икки қулла миқдорида етса, нажас бўлмайди, дегани эди.

«Қулла» катта сув меши бўлиб, унинг биттасига ўша даврнинг ўлчови билан бағдодий ҳажмда 250 ратл сув сиққан. Бир бағдодий ратл 408 граммга тенг бўлиб, икки қулла сув 204 литрни ташкил қилади. Ана шу миқдордаги сув очик жойда бўлса-ю, унга турли ҳайвон ва йиртқичлар тегиб кетса ҳам, унда таҳорат қилса бўлаверади.

Аммо сув икки қулла ёки ундан ортиқ бўлса-ю, рангими, ҳидими, таъмими, бирортаси ўзгариб қолса, поклиги йўқолади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Иштибоҳли масалани биладиган одамдан сўраб олиш зарурлиги.
2. Муайян бир нарса сўралганда умумий қоида бўладиган жавоб беришнинг яхшилиги.
3. Икки қулла миқдоридаги сувга турли ҳайвон, йиртқич, нажас нарса теккани билан (агар асосий сифатларидан бири ўзгармаса) нопок бўлиб қолмаслиги.
4. Икки қулла миқдоридан оз сувга нажас нарса тегса, нопок бўлиб қолиши.

Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Ҳанбалий ва Шофеъий мазҳаблари шу ҳадисга амал қилиб, нажас нарса тегса, нопок бўлмайдиган сувнинг энг оз миқдори икки қулла, деб белгилашган.

Аммо Ҳанафий мазҳаби уламолари бошқача йўл тутганлар. Улар бу ҳадиси шарифни ҳукм учун қабул қила олмасликларига узр айтганлар.

Авалло бу ҳадис изтиробли ҳадис. Чунки бир ривоятда «икки қулла», иккинчи ривоятда «бир қулла», учинчи ривоятда эса «уч қулла» деб

келган. Қайси бири ҳақиқий эканлиги номаълум.

Иккинчидан, «Қуллаларнинг ҳажми бир хил эмас. Улар доимо катта-кичик ва ҳар хил бўлади», деганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари «Нажас нарса тегиши ёки тушиши билан нопок бўлиб қолмайдиган сувнинг энг оз миқдори – эни ўн аршин, бўйи ўн аршинли ҳовузнинг сувига тенг», деганлар. Аршин деганда, ўртача одамнинг панжаси учидан тирсагигача бўлган узунлик тушунилади. Бу 61,2 см деб олинган. Демак, эни ва бўйи 6 метру 12 смдан бўлган ҳовузнинг суви Ҳанафий мазҳаби бўйича нажас нарса тушса, нопок бўлмайдиган энг оз сув ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, ҳар бир мазҳаб ўз шароитидан келиб чиққан. Ҳанбалий ва Шофеъий мазҳаби уламолари яшаган саҳро шароити бошқача, Ҳанафий уламолари яшаган серсув жойларнинг шароити бошқача бўлган. Шу билан бирга, ҳайвонлару йиртқичлар ва бошқа нарсалар ҳам, албатта, эътиборга олинган. Ҳозирги шароит тамоман бошқача бўлиб кетди. Бу масала ҳаётда учраши қийин, учраганда ҳам, жуда нодир бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**